



ORIENTAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>



ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР (1991 – 1998 ЙИЛЛАР)

В.Э. Абиров

Тошкент давлат шарқшунослик университети, ўқитувчи

Ўзбекистон

E-маил манзили: abirovvalisher@gmail.com

Калит сўзлар: этнос, этногенез, этник тарих, этник тарихига оид 1991-998 йилларда чоп этилган этниклик, ўзбек, концепция. мақолалар, диссертациялар, монография ва рисоалар таҳлил этилади.

RESEARCH ON THE ETHNOGENESIS AND ETHNIC HISTORY OF THE UZBEK PEOPLE IN UZBEKISTAN HISTORIC SCIENCES (1991-1998)

V.E. Abirov

Tashkent State University of Oriental Studies, Teacher

Uzbekistan

E-mail address: abirovvalisher@gmail.com

Key words: ethnos, ethnogenesis, ethnic history, ethnicity, Uzbek, concept. **Abstract:** The article analyzes the articles, dissertations, monographs and pamphlets published in 1991-1998 on the ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people.

ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ЭТНОГЕНЕЗИ И ЭТНИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ УЗБЕКОВ В ИСТОРИОГРАФИИ УЗБЕКИСТАНА (1991 - 1998 ГГ.)

В.Э. Абиров

Ташкентский государственный университет востоковедения, преподаватель

Узбекистан

Адрес электронной почты: abirovvalisher@gmail.com

Ключевые слова: этнос, этногенез, этническая история, этнос, узбек, концепция. **Аннотация:** В статье анализируются статьи, диссертации, монографии и брошюры, изданные в 1991-1998 гг. по этногенезу и этнической истории узбекского народа.

Замонавий ватан тарихшунослигида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганишга бағишланган адабиётларни хронологик нуқтаи назардан уч босқичга ажратиб,

таҳлил қилиш мумкин: 1) 1991 – 1998 йиллар; 2) 1998 – 2016 йиллар; 3) 2016 йилдан бугунги кунгача ёзилган адабиётларда муаммога оид тадқиқотлар.

XX аср 90 йилларига қадар нашр этилган адабиётлар ўзбек халқи этногенези, унинг этник тарихи муаммосини тўлиқ ва аниқ ечимларини кўрсатиб бермади. Археологик, тарихий-этнографик, антропологик тадқиқотлар натижасида чоп этилган илмий адабиётларда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммоси бўйича маълум бир тўхтамга келинмаган бўлса-да, муаммонинг ечимига қаратилган турлича илмий қарашлар шаклланди, уларни исботлашга интилишлар кучайди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб тарихга бўлган муносабат буткул ўзгарди. Соҳа олимлари тарихий асарлар ёзишда халқ тарихини холис ўрганишга, мустамлака мафкураси қолипларидан воз кечиб, мустақил давлат тарихини қайта ёзишга киришди. Тарих фани олдида ҳали ўз ечимига тўлиқ эга бўлмаган ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласининг аҳамияти кучайди.

Биринчи босқич, яъни 1991-1998 йилларида Ўзбекистон тарихи, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид бир қатор илмий асарлар, диссертациялар, муаммо қаратилган, туркийликка урғу берувчи, тарихий маданиятга, тарихий шахсларга, давлатчилик анъаналарига, халқ тарихи ва ижтимоий масалаларига бағишланган илмий мақолалар чоп этилди. Бу босқичда чоп этилган илмий тадқиқотлар кўлами ва миқдори халқ тарихига бўлган қизиқишнинг нақадар юқори бўлгани, олимлар истиқлол шарофати билан тарихга янгича назар билан қараш имконига эга бўлганини кўрсатади.

Дастлабки йирик тадқиқотлардан бири Б. Аҳмедовга тегишли бўлиб, олимнинг 1992 йилда ўзбек халқининг этник тарихи, кўчманчи ўзбеклар давлати, “Ўзбек” атамасининг этник ном сифатида шаклланиш масалаларига оид тадқиқот ишлари нашрдан чиқди. Олимнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг XV асрдаги тарихига доир археологик ва тарихий асарлардан унумли фойдаланиб ёзилган “Ўзбек улуси”[1] китобида асосан Абулхайрхон давлатининг сиёсий тарихи ёритилади. Эътиборли жиҳати, “Ўзбек улуси” асарини ёзишда олим Маъсуд ибн Усмон Кўхистонийнинг “Тарихи Абулхайрхоний”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Абулхайр Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор” каби манбалар фойдаланганидир. Бу эса асарда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлик қийматини оширган. Ушбу асарнинг энг қимматли томони шундаки, у ўзбек халқининг келиб чиқиши кўчманчи ўзбекларга алоқадорлиги тўғрисидаги қарашнинг асосиз эканлигини исботлаб берди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида ёзилган этнограф Исо Жабборовнинг “Ўзбек халқи этнографияси”[2] номли китоби халқнинг моддий ва маънавий маданиятининг ўрганишда муҳим асарлардан бирига айланди. Асар академик К. Шониёзов муҳаррирлигида ёзилгани сабабидан ҳам ўзбек халқи этнографиясига оид И.Жабборовнинг хулосалари К.Шониёзвнинг хулосаларига жуда яқин.

Асарнинг ўзбеклар шажараси ва аждодлар муаммосига бағишланган қисмида ўзбек халқи келиб чиқиши қадимги ва илк ўрта асрларда турли элат ва халқларнинг бутун Марказий ҳамда Ўрта Осиё, Қозоғистон ҳудудида кўчиши, аралашishi натижасида, муайян давлат бирикмалари доирасида рўй берганлигини таъкидлайди[2:54]. Асар нашр этилган вақт жиҳатидан этнография фанида катта ютуқ сифатида эътироф этилиб, этнография соҳасидаги кейинги тадқиқотлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Этнографнинг қарашлари этнос назарияси доирасида талқин қилинган бўлиб, хулоса сифатида берилган фикрларни олимнинг шахсий илмий фаразлари сифатида қабул қилиниши лозим.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида антропологлар Т. Ходжайов ва Г.Ходжайованинг ҳаммуаллифлик асосида ёзган “Ўзбек халқининг антропологияси ва этник тарихи”[3] ўқув қўлланмаси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Асар Тошкент,

Сурхондарё, Зарафшон воҳалари, Жанубий Орол бўйи аҳолисининг жисмоний антропологиясига оид маълумотлар беради.

Муаллифлар ўзбек халқининг шаклланишида уч босқични ажратиб кўрсатган: биринчи босқич, милоддан аввалги III-II асрларда Ўрта Осиё дашт минтақаларида ҳозирги ўзбек халқига хос антропологик қиёфа шакллана бошлаган давр; иккинчи босқич, IX-XII асрларни ўз ичига олади; учинчи босқич, XV аср охири ва XVI асрларни ўзида мужассам этади. Тадқиқотчилар ўз фикрини давом эттирган ҳолда, ўзбек халқининг асосини маҳаллий сўғдийлар, бахтарлар, хоразмийлар, шаклар, массагетлар, қангюйликлар ва даванликлар ташкил этади, деб ёзади[3:104-106]. Антропологларнинг халқ шаклланишига доир қарашлари нима сабабдан айнан уч даврга бўлингани тўғрисида турли фикрлар келтириш мумкин. Лекин бу фикрлар орасида ҳақиқатга яқини, ўз вақтида И. Сталин томонидан таклиф этилган учлик “қабила-элат-халқ/миллат” (триада “племя – народность – нация”) назариясига мос равишда уч босқичдан иборат ҳолда бўлинишидир. Бу эса антропологларнинг ишларида мустақилликдан сўнг ҳам советча талқин давом этганидан далолат беради.

1994 йилда Ш. Зокиров “Арабоязычные источники IX-XII вв. и их значение в изучении этнополитической жизни народов Средней Азии (тюркскоязычные народы)” деб номланган тадқиқот ишида туркий халқларнинг этник тарихи ва этномаданий алоқаларини IX-XII асрларга оид араб тилидаги манбалар асосида, соф манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этди. Келтирилган маълумотлар асосан тарихий ёндашувдан келиб чиққан ҳолда ёритилган бўлиб, унинг ижтимоий-маданий жиҳатларига этнографик жиҳатдан камроқ ўрин ажратилган.

Мазкур босқичда муаммони бевосита ўрганишга қаратилган санокли мақолалар, жумладан, А. Асқаров ва Б. Аҳмедовнинг ўзбек халқининг келиб чиқиши, этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асосларига бағишланган мақоласи, К.Шониёзовнинг ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг ва этногенезининг айрим назарий масалалари тўғрисидаги мақолалари нашр этилди.

А. Асқаров ва Б. Аҳмедовнинг 1994 йил чоп этилган[4] мақоласида ўзбек халқи илдизи таг-томири, биринчи ва асосий компоненти сак-массагетлар, сўғдийлар, хоразмийлар, бохтарлар, чочликлар ва парконаликлар ташкил этгани тўғрисида маълумотлар келтирилади. Этнографлар ўз мулоҳазасини исботлаш мақсадида С. Толстовнинг фикрига урғу беради. Шу ўринда С. Толстов ҳам ўз мақоласини советча этнос назарияси доирасида ёзгани, бу ўрнатилган қолипдан ташқарида фикр бера олмаганини ёдда тутиш лозим. Шу сабабдан, юқоридаги муаллифлар фикр ва мулоҳазалари ҳам мос равишда этнос назарияси илгари сурган ёндашув доирасида шакллантирилган.

А. Асқаров ва Б. Аҳмедов ўз мақоласида “Марказий Осиё халқларининг ўқ томири битта бўлиб, улар сак-массагет, сўғдий, хоразмий, бохтар, чочлик ва парконалик эди”, деган хулосага келади. Уларнинг бу хулосалари илмий доирада турли мунозараларга сабаб бўлган. Жумладан, К. Шониёзов “Ўзбекистон овози” газетасининг 1994 йил 7 апрель сонидида “Ворислик” номи остида эълон қилинган мулоҳазасида “турк” ва “туркий” халқ атамаларини изоҳлаб берган. Албатта, археолог ва манбашунос олимнинг этногенез ҳақидаги фикрлари ўз даври учун эътиборга молик. Аммо, этнология фанида “ўқ томир”, “қадимий аждодлар”, “таг-илдиз томир” каби атамалар примордиализм ёндашувнинг маҳсули ҳисобланиб, бу масаланинг ҳеч қачон яқуний ечими бўлмаслиги замонавий илм-фанда кўрсатиб берилди. Яъни, халқнинг шаклланиш жараёнини сунъий равишда қадимийлаштириш охир-оқибат “этниклик” жиҳатлари йўқ моддий манбаларга ҳам “этносга” хос бўлган ёрликларни ёпиштирилишига, ўзликни англаш жараёни уруғ жамоаси даражасидаги одамлар гуруҳига субъектив конструкцияларни қўллаб, уларни ҳозирги мавжуд халқнинг тўғридан-тўғри аждодига айлантирилишига сабаб бўлган.

Ўзбекистон давлати ва унинг асосий (титул) аҳолиси шу ҳудуднинг “ҳақиқий эгаси” эканлигини исботлаш масъулияти академик К. Шониёзов зиммасига тушган. Академик 1996 йил “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар”[5] номли мақоласида, “Ўзбек халқининг келиб чиқишини хунлардан ёки VI – VII асрларда келиб ўрнашган туркий халқлардан бошланса, унда ўзбек халқи туб ерли аҳоли асосида эмас келгинди этник гуруҳлардан шаклланган бўлиб чиқади”, деган қараш билан “Ўзбек халқи мазкур ҳудудда яшаган туб ерли этнослардан томир олган, иккинчи илдизи эса қадимги туркий халқлардан бошланган”, деб фикр беради. Эътибор қилинса, олимнинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг бугунги ҳудудида қадимдан шаклланган ижтимоий-маданий қадриятлар мавжудлиги, бугунги “Ўзбек” деб аталмиш халқ шу қадриятларни ўзида мужассам этган ҳолда шаклланганини очиқ бериш эмас, балки ўзбекларни “кўчманчи” (кўчманчилик – маданиятсизлик билан тенглаштирилган бўлса ажаб эмас – В.А.) ҳаёт тарзини олиб борган қабилалардан таркиб топмаганини исбот қилишга қаратилган.

Академик ўз фикрларини давом эттириб, “XI-XII асрларда ўзбек элатининг таркибида туркий компонентлар кўпаяди ва унинг этник жараёни асосан туркий компонентлар асосида ўтади. Шу асрлар давомида барча этник кўрсаткичлар мужассамлашади, ўзбек аждодларининг алоҳида жамоа (элат) бўлиб шаклланиш жараёни ниҳоясига етади”, [5:87] деган қарашни илгари суради. Академикнинг этнос назарияси доирасида ёзиб қолдирган бу хулосалари узоқ йиллардан бери ўзбек халқи шаклланиш тарихидаги асосий мулоҳазалардан бирига айланиб бўлди.

Академикнинг мулоҳазалари этнос назарияси доирасида шакллантирилганини унинг бошқа фикрларида ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун, олимнинг таъкидлашича, этник бирлик аниқ шароитда, табиий-тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган ижтимоий уюшмадир[6:75]. Этник бирликка (элатга) яқин тилда гапирувчи халқлар, элатлар бирлашадилар. Элатнинг шаклланиш даврида этногенетик жараёнда қатнашаётган маълум бир қабила ёки ўтроқ аҳолининг лаҳжаси устуворлик қилиб, янгидан шаклланган элатнинг умумий тили бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли бўлмайди[7:33]. Муаллиф “элат” атамасини Ўзбекистон этнологиясида кенг тарғиб қилади, уни қабила ва миллат орасидаги этник бирлик, синфий жамиятга хос этник уюшма деб атайди[6:77]. Яъни, бу фикрлари билан К.Шониёзов халқларни шаклланишида формациялар (босқичлар) борлигини, ҳар бир жамоа бу босқичларни босиб ўтсагина, миллат босқичига кўтарилишини тан олган. Академикнинг бу хулосаларини мустақиллик даврида ҳам давом эттирилиши, Ўзбекистон этнологиясида истиқлолнинг илк давларида ҳам советча илмий қарашлар сақланиб қолгани, унинг муқобилини шакллантириш учун кам фурсат ўтгани, бошқа назарий-методологик ёндашувлар Ўзбекистон этнологияси фанига жуда секин кириб келгани билан изоҳлаш мумкин.

Мустақилликдан бир қанча вақт ўтгач тадқиқотчилар томонидан турли совет даври илмий адабиётлари, олимларнинг изланишларини тафтиш қилиш ишлари бошланди. Д. Ҳошимованинг “В. В. Бартольд асарларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалаларининг ёритилиши” деб номланган рисолида В. Бартольднинг аксарият асарлари таҳлил қилинган бўлиб, олиманинг фикрига кўра “В. Бартольд асарларида ўзбек халқи этник тарихига тегишли деярли барча масалалар ҳақида маълумот топиш мумкин[8:15]. Шубҳасиз, В. Бартольднинг илмий изланишлари Марказий Осиё тарихини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга. Аммо, совет даврининг тарихчиси ҳисобланган ва изланишларида мавжуд мафкуранинг таъсиридан чиқмай тадқиқот олиб борган бу олимни фақатгина ижобий томондан баҳолаш ўринли эмас. Чунки В.Бартольднинг асарларида берган хулосалари минтақа аҳолисининг “этногенези ва этник тарихи”ни сунъий тарзда шакллантиришга хизмат қилган.

1997 йилда Д. Ҳошимованинг тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган “Ватан тарихшунослигида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенезининг

ўрганилиши (XIX аср ўрталари XX аср)“ мавзусидаги диссертацияси [9] мустақиллик йилларида ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи масаласига бағишланган илмий адабиётларнинг тарихшунослигига бағишланган дастлабки тадқиқот иши бўлди.

Диссертацияда соҳага оид адабиётлар уч даврга: XIX асрнинг иккинчи ярмидан, XX асрнинг биринчи ярми ва XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ёзилган тадқиқотлар таҳлили каби босқичларига ажратиб ўрганилган[9:152-157.]. Диссертация ўз даври, тарихшунослик жиҳатидан ёзилган соҳага оид илк тадқиқотлардан бири бўлгани, жалб қилинган илмий адабиётларнинг кўлами, далилий манбаларга асослангани билан аҳамиятлидир. Юқоридаги ютуқларга қарамай, диссертацияда мустақилликнинг дастлабки йилларида нашр этилган муаммо доирасидаги 30 дан ортиқ мақолалар жалб этилмаган, олимлар ва уларнинг тадқиқотларига нисбатан танқидий ёндашув жуда кам ўринларда қўлланган, муаммони талқин этишда этнос назариясидан чиқа олмаган. Тадқиқотчи томонидан йўл қўйилган камчиликлар диссертация ишининг соҳа ривожини учун қўшган ҳиссасини камайтирмайди, балки соҳа бўйича чуқур танқидий тарихшунослик таҳлилига бўлган эҳтиёжни янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда этнография фани тарихшунослигига бағишланган А. Дониёровнинг “История развития этнографических знаний в Узбекистане: основные направления и результаты (вторая половина XIX в. – 30 – годы XX в.)” номзодлик диссертацияси[10] Ўзбекистонда этнографик билимларнинг ривожланиш тарихи, асосий йўналишлари ва натижаларини илмий жиҳатдан очиб беришда аҳамиятли ҳисобланади. Илмий тадқиқот натижасида фаннинг ривожланиш динамикаси, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар, истиқболдаги қилиниши лозим бўлган режалар очиб берилган.

Бу даврда Ўзбекистон ҳудуди аҳолисининг жисмоний антропологиясига оид сўнгги ишлардан бири, Г. Ходжайованинг “Этническая антропология Узбекистана”[11] номли докторлик диссертация иши ҳимоя қилинди. Тадқиқотнинг эътиборли томони шундаки, унинг номланиши ҳам “этнос назария”сининг қоидаларига мос равишда Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилган қадимий аҳоли вакилларига “этнос”га хос тус беришга олиб келган.

Ўзбек халқининг антропологик шаклланиши жараёнини муаллиф (советча андоза бўйича) уч давр ажратиб ўрганган. Тадқиқотчи томонидан жисмоний антропология изланишлари борасидаги ҳаракатлари, қўллаган методологияси, замонавий математик-статистик усуллари ўзбек этнология фани учун аҳамиятли бўлиб, олимпиадан сўнг бу даражадаги тадқиқот иши қайта амалга оширилмади. Г. Ходжайова илмий изланишлари натижасида, ўзбек халқининг асосини ташкил этувчи аҳоли гуруҳи вакиллари узок йиллардан бери шу ҳудудларда яшаб келган маҳаллий халқлар ташкил этган, уларга турли тарихий даврларда келиб қўшилган бошқа элат ва халқлар ўзбек халқининг шаклланишида асосий таркибий қисм сифатида иштирок қилган, деган хулосага келади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳудуди қадимдан тамаддун марказларидан бири бўлганига шубҳа йўқ. Бу жиҳатни археологик ва антропологик изланиш натижалари, топилган моддий манбалар етарлича далиллаб берган. Аммо, бир неча минг йиллик тарихга эга археологик ва антропологик топилмаларни сунъий равишда бирор-бир замонавий давр маҳсули ҳисобланган “халқ/миллат” вакилларига қатъий равишда боғлаб қўйиш, уларга “этнос” тусини бериш, улар ўртасидаги “қадимий тарих”га бўлган доимий курашга олиб келади. Мисол учун, бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳам шундай қадимийлик учун курашни, бу кураш нафақат илм-фан, балки сиёсий даражага кўтарилгани, бу эса тарихан бир минтақада истиқомат қилган аҳоли вакиллариининг ўртасидаги маданий ва чегаравий зиддиятларга сабаб бўлаётганини кўриш мумкин.

Академик К.Шониёзов ўзининг 1998 йилда “Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари”[7] номли мақоласида ўзбек халқининг этногенезини ўрганишдаги ёндашувларга яна бир бор эътиборини қаратади. Мақолада билдирилган хулосага кўра

академик К. Шониёзов А. Якубовскийнинг ўзбек халқининг юзага келиши масаласига оид даврлаштириш масаласини янада қадимийлаштирди. Бу ҳолат академик фаолиятида мустақилликнинг илк даврларида кузатилган ёндашув ўзгаришсиз қолаётганини кўрсатиб берди.

1998 йил Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар ва оммавий ахборот ходимлари билан учрашувидан сўнг, унинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” [12] номли асари нашр этилиб, бу асар тарих фани ривожига аниқ бир йўналишни белгилаб берди. Бунинг натижасида ўзбек халқи шаклланишига оид назарий-методологик ёндашувлар ҳам давлат раҳбарининг кўрсатмаларига мослаштирила бошланди. Мазкур ҳолат Ўзбекистон этнологияси фанида “этнос назарияси”нинг яна бир неча ўн йилликлар давомида сақланиб қолиши учун имконият яратиб берди. 2002 йил И. Каримовнинг Венгрия давлатига ташрифи чоғида Будапешт Миллий кутубхонаси экспонатлари билан танишиб, Ўрта Осиёнинг XVI-XVII асрларга оид Абраҳам Мааснинг “Каспий денгизи ва Ўзбек мамлакати” тарихий харитасидан Ўзбекистонда ташкил этилаётган музейлар учун кўчирмалар олиш зарурлигини айтиб ўтди. Бу эса Биринчи Президент томонидан 1998 йилда белгилаб берилган ёндашувни янада мустақамланишига олиб келди. Мустақиллик йилларининг дастлабки 1991-1998 – йилларида муаммога оид кам сонли тадқиқотларда халқининг келиб чиқиши жараёни билан боғлиқ турлича фикрлар ҳукм сурди. Илмий-оммабоп нашрларда халқ тарихини улуғловчи, туркийликка урғу берувчи, халқ келиб чиқишининг энг қадимги илдизларини кўрсатишга бағишланган мақолалар чоп этилди. Яхлит фундаментал тадқиқот ишлари нашр этилмаган бўлсада, масалага оид XIX аср иккинчи ярмидан XX аср 90 – йилларигача бўлган тадқиқотларни саҳисоб қилган тарихшунослик диссертация иши ёзилди. Чоп этилган нашрлар, олиб борилган тадқиқотлар “этнос” назарияси қолипида қолиб кетди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси – “Нур”, 1992. – 152 б.
2. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 320 б.
3. Хўжайов Т. Қ., Хўжайова Г. К. Ўзбек халқининг антропологияси ва этник тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 1995. – 110 б.
4. Асқаров А., Аҳмедов Б. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи // Ўзбекистон овози. 1994. 20-январь.
5. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1996. № 6. – Б. 79-87.
6. Шониёзов К. Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 464 б.
7. Шониёзов К. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент., 1998. №6. – Б. 31-44.
8. Ҳошимова Д. В.В. Бартольд асарларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалаларининг ёритилиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 16 б.
9. Ҳошимова Д.Ф. Ватан тарихшунослигида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенезининг ўрганилиши (XIX аср ўрталари XX аср): Тарих фан номзод... дис. – Тошкент, 1997. – 162 б.
10. Дониёров А. Х. История развития этнографических знаний в Узбекистане: основные направления и результаты (вторая половина XIX в. – 30-годы XX в.): Дис.... канд. ист. наук. – Ташкент, 1997. – 148 с.
11. Ходжайова Г. К. Этническая антропология Узбекистана. дис.... док. ист. наук. – Ташкент, 1997. – 359 с.

12. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йук. – Т.: Шарқ, 1998. – 32 б.